




Farmatsiya



5
2024

FARMATSIYA

Ilmiy-amaliy jurnali

*2021 yilda tashkil etilgan
Yiliga 6 marta chiqadi*

№ 5 / 2024

*Axborotnoma OAK Rayosatining 2023 yil 31 mart
335/5-son qarori bilan dori vositalari texnologiyasi,
farmatsevtik kimyo, farmakognoziya, farmatsevtika ishini tashkil
qilish va farmatsevtika iqtisodiyoti, farmakologiya fanlari bo'yicha
doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish
tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan*

ISSN-C-31796

FARMATSIYA

Научно-практический журнал

*Основан в 2021 г.
Выходит 6 раз в год*

TOSHKENT
2024

FARMATSIYA

№ 5 / 2024

Tahririyat kengashi a'zolari:

Bosh muharir, f.f.d., – professor Tillayeva G.U.

1. Bagdasarva I.S. – b.f.n., professor, Tibbiy-biologik fanlar kafedrası, Farmatsevtika ta'lim va tadqiqot institute

2. Dusmatov A.F. – f.f.d., professor, O'zR SSV Farmatsevtika tarmog'ini rivojlantirish Agentligi qoshidagi "Zarur amaliyotlar Markazi" DUK direktori, Farmatsevtika ta'lim va tadqiqot institute rektori.

3. Jalilov F. S. – f.f.d., professor, Tibbiyot fakulteti, Farmatsevtik kimyo kafedrası mudiri. Alfraganus universiteti.

4. Kariyeva Y.S. – f.f.d., professor, Dori turlari texnologiyasi kafedrası mudiri, Toshkent farmatsevtika instituti.

5. Komilov X.M. – f.f.d., professor, Farmakognoziya kafedrası, Toshkent farmatsevtika institute

6. Olimov N.K. – f.f.d., professor, Farmakognoziya va dori vositalarini standartlash kafedrası mudiri, Toshkent farmatsevtika instituti.

7. Mavlyanova M.B. – f.f.n., dosent, Farmatsevtika ta'lim va tadqiqot institute.

8. Maksudova F.X. (muharrir o'rinbosari) – f.f.d., dotsent, Dori vositalarini sanoat texnologiyasi kafedrası mudiri, Toshkent farmatsevtika instituti.

9. Nazarova Z.A. – f.f.d., professor, Dori turlari texnologiyasi kafedrası, Toshkent farmatsevtika instituti.

10. Nabiyev A.X. – t.f.n., yetakchi ilmiy xodim, Tajriba texnologiya laboratoriyasi, O'zR FA, Bioorganik kimyo instituti.

11. Xakimjanova Sh.O. (tehnika kotib) – Farmatsevtik ishlab chiqishni tashkil qilish va sifat menejmenti kafedrası assistenti, Toshkent farmatsevtika instituti.

12. Sanayev Z.I. – t.f.n., katta ilmiy xodim, Farmakologiya va toksikologiya bo'limi, O'zR FA O'simlik moddalari kimyosi instituti.

13. Sidametova Z.E. (ma'sul kotib) – f.f.d., professor v.b., Farmakognoziya va dori vositalarini standartlash kafedrası, Toshkent farmatsevtika instituti.

14. Tulaganov A.A. – f.f.d., professor, O'zbekiston kimyo farmatsevtika ilmiy tadqiqot instituti, O'simliklar va sintetik Dori vositalarini texnologiyasi nomli laboratoria mudiri

15. Tulyaganov R.T. – b.f.d., professor, Farmakologiya va biologik fanlarkafedrası, Toshkent farmatsevtika instituti.

16. Tagayaliyeva N.A. – b.f.n., katta ilmiy xodim, Biologik faol moddalar farmakologiya si va skriningi laboratoriyasi mudiri, O'zR FA Bioorganik kimyo instituti.

17. Tillayeva Umida Makhmudjanovna – f.f.d. Docent. Halqaro hamkorlik boyicha prorektor.

18. Tukhtaev Kh.R. f.f.d., professor, Noorganik, fizik va colloid kimyo kafedrası, Toshkent farmatsevtika instituti.

19. Urmanova F.F. – f.f.d., professor, Farmakognoziya kafedrası, Toshkent farmatsevtika instituti.

20. Usmanaliyeva Z.U. – f.f.d., professor, Toksikologik kimyo kafedrası mudiri, Toshkent farmatsevtika instituti.

21. Yunusxodjayeva N.A. – f.f.d., dotsent, Farmatsevtik ishlab chiqishni tashkil qilish va sifat menejmenti kafedrası mudiri, Toshkent farmatsevtika instituti.

22. Iskandarova L.M. – OOO "Navkar Group" laboratoriya mudiri.

Tahrir kengashi:

Prof. Krasnyuk I.I. (Rossiya)

Prof. Dzhusupova Zh.D. (Rossiya)

Akad. Ramenskaya G.V. (Rossiya),

Akad. Patigorskaya N.V. (Rossiya),

Prof. Ordabaeva S.K. (Qozog'iston),

Prof. Sadchikova N.P. (Rossiya)

Prof. Grizodub A.I. (Ukraina),

Prof. Kurmanov R. (Qirg'ziston),

Prof. Shukirbekova A.B. (Qozog'iston),

Akad. Sagdullayev Sh.Sh. (O'zbekiston),

Akad. To'rayev A.S. (O'zbekiston).

Бош муҳаррир саҳифаси

Азиз ҳамкасблар, дустлар, укувчилар!

Журналга булган эътибор ва касбий қизиқиш учун миннатдорчилигимни билдираман! Журнал ўз саҳифаларига хизмат кўрсатган илмий арбоблар ва истиқболли ёш тадқиқотчиларни жалб қилади, фармацевтика фанлари, узлуксиз касб-хунар таълими ва бошқа кўплаб муаммоларни муҳокама қилиш учун майдон бўлиб, ўз ўқувчиларини Ўзбекистонда ва чет давлатларда нашр етилаётган профессионал адабиётларнинг янгиликлари билан таништиради.

Шунингдек, биз фармацевтика соҳасидаги ютуқларни ёритадиган янги нашрлари билан укувчиларни хурсанд қиладиган муаллифлардан миннатдормиз. шарҳловчиларимизга миннатдорчилик билдирамиз ва биргаликда журналимизни янада яхши ва маълумотли қиламиз деб уйлаймиз. Биз ҳамкорлик учун очиқмиз!

Фурсатдан фойдаланиб, барча муаллифларимизни, ўқувчиларимизни ва ҳамкасбларимизни яқинлашиб келаётган янги йил билан табриклайман! Янги йилингиз ва янги келажагингиз билан!

Ҳамкорлик қилишдан чин дилдан хурсандман, ҳурмат билан,

Бош муҳаррир

профессор Тиллаева Г.У.

Уважаемые коллеги, друзья, читатели!

Разрешите выразить глубокую признательность за внимание и профессиональный интерес к нашему журналу! Журнал привлекает на свои страницы и заслуженных научных деятелей, и перспективных молодых исследователей, предоставляя трибуну для обсуждения проблем фармацевтической науки, непрерывного профессионального образования и многим другим, знакомя своих читателей с новинками профессиональной литературы, издаваемой в Узбекистане и за рубежом.

Мы также признательны авторам, которые радуют читателей своими новыми публикациями, освещающими достижения в области фармации, мы благодарим наших рецензентов и думаем, что совместными усилиями сделаем наш журнал качественнее и содержательнее. Мы открыты к сотрудничеству!

Пользуясь случаем, поздравляю всех наших авторов, читателей, коллег с наступающим Новым годом! С Новым счастьем и Новым будущим!

Искренне рада сотрудничеству, с уважением,

Главный редактор

профессор Тиллаева Г.У.

UDK 615.15

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA RO'YXATGA OLINGAN GIPOTENZIV DORI VOSITALARNING MARKETING TAHLILI

Vaxidova Nargiza Muxiddin qizi, Maksudova Firuza Xurshidovna, Safarova Diyora Tolibovna, Sadikova Gulchehra Erkinovna

Toshkent Farmasevtika instituti, Toshkent sh., O'zbekiston Respublikasi
e-mail: firuza.maksudova@mail.ru

Ushbu maqolada 2022 yildan 2024 yilgacha bo'lgan davrda O'zbekiston Respublikasi-da tibbiyot amaliyotida qo'llanilishiga ruhsat etilgan dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika Davlat reestriga ro'yxatga olingan gipotenziv dori vositalar bozorining tahlili berilgan. Dori vositalarni ishlab chiqaruvchi davlatlar bo'yicha tahlilida Xindiston, O'zbekiston, Sloveniya, Ukraina va Rossiya davlatlari yetakchi o'rinda ekanligi aniqlandi. Oxirgi 3 yilda Davlat reestriga kiritilgan gipotenziv dori vositalarni mahalliy dori vositalarini umumiy soni bo'yicha 95dan 90ta kamayib borib va 94,7% tashkil etganligi aniqlandi. Yangilanish indeksi tahlili mahalliy ishlab chiqarilgan dori vositalarining 2022 yilda 0,83 dan 2024 yilda esa 0,72 ga tengligini ko'rsatdi, Horijiy va MDH mamlakatlari ham yangilanish indeksi pasayib borganligi aniqlandi. Dori shakllari bo'yicha tahlil gipotenziv dorivositalarning eng katta ulushi o'rtacha hisobda 86% tabletkalar shaklida ishlab chiqarilishi aniqlandi.

Kalit so'zlar: *marketing izlanishlar, assortiment tahlili, Davlat reestri, yangilanish koeffitsienti, gipertoniyaga qarshi vositalar.*

Ishning dolzarbligi. Arterial gipertoniya (AG) dunyodagi eng keng tarqalgan surunkali kasalliklardan biri bo'lib, ko'plab organlarda jiddiy asoratlarning asosiy sababidir. Har yili boshqa sabablarga ko'ra yurak-qon tomir kasalliklaridan ko'proq odam vafot etadi. Yurak-qon tomir kasalliklari yoki insultdan o'lim holatlarining 75% dan ortig'i past va o'rta daromadli mamlakatlarda sodir bo'ladi [1].

Arterial gipertoniya – yoki yuqori qon bosimi – yurak-qon tomir tizimi, miya, buyraklar va boshqa kasalliklarning rivojlanish xavfini sezilarli darajada oshiradigan jiddiy patologik holat. Arterial gipertoniya diagnostikasi sistolik va diastolik

qon bosimining ma'lum qiymatlardan oshib ketishini qayd etish yoki gipotenziv dorilarni qabul qilish vaqtiga asoslanadi [2,3].

Dunyo bo'ylab 30-79 yoshdagi tahminan 1,4 milliard kattalar gipertenziya bilan og'riydilar, bemorlarning atigi 14 foizi qon bosimi nazorat ostida, ularning aksariyati (uchdan ikki qismi) past yoki o'rta daromadli mamlakatlarda yashaydi. Gipertoniya bilan og'rikan kattalarning taxminan 46% bu kasallik borligini bilishmaydi. Biroq, tibbiyot mutaxassislari ushbu kasallik uchun iqtisodiy jihatdan samarali davolash usullariga ega. JSST prognozlariga ko'ra, 2025 yilga kelib, gipertoniya bi-

lan og'rigan bemorlar soni 15-20 foizga oshadi va deyarli 1,5 milliardga yetadi [4].

Ma'lumki, doimiy ravishda ko'tarilgan qon bosimi (QB) yurak-qon tomir kasalliklarining eng muhim xavf omili hisoblanadi, bu aholi o'limining asosiy sabablari (taxminan 60%) va pirovardida, umr ko'rish davomiyligining pastligi sabablaridan biridir. Shu munosabat bilan gipertoniyani davolash uchun dori vositalarni to'g'ri tanlash alohida ahamiyatga ega. Dori vositalarni uzluksiz iste'mol qilish noma'lum muddatga buyurilashi sababli tanlangan dori terapiyasi bemor tomonidan to'g'ri qabul qilinishi, xavfsiz bo'lishi va hayot sifatini yaxshilashi kerak [5,6].

Gipertoniyani davolash uchun dori vositalarni tanlashda, har bir bemorning terapiyasini optimallashtirishga qaratilgan birgalikdagi kasalliklar va sharoitlarni hisobga olish kerak. Bundan tashqari, bir nechta gipotenziv dorilarni buyurishda oqilona kombinatsiyalardan foydalanish kerak [7].

Ishning maqsadi. Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, ushbu ishning maqsadi O'zbekiston Respublikasida qo'llanilishiga ruhsat etilgan dori vositalari, tibbiy

buyumlar va tibbiy texnika Davlat reestriga kiritilgan gipotenziv dori vositalarini assortiment tahlilini o'tkazish.

Materiallar va usullar. Qo'yilgan maqsadga erishish uchun O'zbekiston Respublikasida qo'llanilishiga ruhsat etilgan dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika Davlat reestrining 2022-2024 yildagi nashrlari tahlili ma'lumotlari va qo'yidagi usullar foydalanildi: tahlilning kvalimetrik usullari, solishtirish, guruhlash va grafik usullari [8,9,10].

Tadqiqotlar natijalari va ularning muhokamasi. Tadqiqotning birinchi bosqichlarida O'zbekiston Respublikasida qo'llashga ruhsat etilgan dori vositalar, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika Davlat reestriga kiritilgan gipotenziv dori vositalarni davolashda qo'llaniladigan dori vositalar assortimentini umumiy soni bo'yicha kamayib borganini aniqlandi. Bunga ko'ra 2022 yilda antigipertenziv dori vositalar 259 savdo nomida ro'yhatdan o'tgan bo'lsa 2024 yilga kelib bu ko'rsatkich 229 savdo nomga kamayganini ko'rishimiz mumkin [8,9,10]. Olingan ma'lumotlar 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval


2022-2024 yilda ro'yxatdan o'tgan gipotenziv dori vositalarini umumiy soni bo'yicha tahlili

Yillar	Davlatlar	Um.soni
2022	Horiyiy	259
	MDH	83
	Mahalliy	95
2023	Horiyiy	257
	MDH	82
	Mahalliy	90
2024	Horiyiy	229
	MDH	74
	Mahalliy	90

Tadqiqotning ikkinchi bosqichida gipotenziv dori vositalarni xalqaro patentlanmagan nomi bo'yicha tahlil olib borildi, ko'pgina gipertenziyaga qarshi dori vositalar turli xil savdo nomlariga ega, ammo ta'sir etuvchi moddasi bir xil. Bunda 2022-2024 yil Davlat reestrda 79 ta xalqaro patentlanmagan nomdagi dori vositalar ro'yxatdan o'tgan bo'lib,

shulardan top-10 tasi miqdorda va foiz ko'rinishda ajratib olindi.

Kombinirlangan preparatlar (402 ta) 49%, Amlodipine (78 ta) va Bisoprolol (74 ta) - 9%, Telmisartan (53 ta) va Enalapril (45 ta) - 6%, Nebivalol (41 ta) va Losartan (38 ta) - 5%, Magnesium sulfate (36 ta) va Carvedilol (33 ta) - 4 %, Bendazol (27 ta) - 3% tashkil etishi aniqlandi (1-rasm).




1-rasm. 2022-2024 yilda ro'yxatdan o'tgan gipotenziv dori vositalarni XPN bo'yicha tahlili

Tahlilimizning keyingi bosqichida gipotenziv dori vositalarni ishlab chiqaruvchi davlatlar bo'yicha tahlili olib borildi. (2-rasm). Dori vositalari tahlili shuni ko'rsatdiki, yetakchi o'rinlarni quyidagi top-10 ishlab chiqaruvchi davlatlar egalagan, ular: Hindiston (24,3%), O'zbekiston (22,5%), Sloveniya (10,4%), Ukraina (7%), Rossiya (4,3%), Belarus (4,1%), Turkiya (3,8%), Germaniya (3,5%), Vengriya (2,8%) va Polsha (2,8%) tashkil etganligi aniqlandi.

Gipotenziv dori vositalarni tarkibida-

gi ta'sir etuvchi moddani bir yoki ko'p komponentligiga qarab tahlil olib borildi. Natijada monokomponentli dori vositalar 857ta 68%ni va polipreparatlar, ya'ni ko'p komponentli dori vositalar 402ta 32%ni tashkil etishi aniqlandi (3-rasm).

Keyingi izlanishlarimizda, O'zbekiston Respublikasida qo'llanilishiga ruhsat etilgan dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika Davlat reestrining gipotenziv dori vositalarni asosan ishlab chiqariladigan dozalangan dori shakllari bo'yicha tahlil o'tkazildi.



2-rasm. 2022-2024 yilda ro'yxatdan o'tgan gipotenziv dori vositalarni ishlab chiqaruvchi davlatlar bo'yicha tahlili

Olingan natijalarga ko'ra, ro'yxatga olingan gipotenziv dori vositalarni 8 ta dozalangan dori shaklida ishlab chiqarilganligini ko'rsatdi: tabletkalar,


kapsulalar, in'ektsiya uchun eritmalar, dorivor o'simlik xom ashyosi, tomchilar, liofilizat, kontsentrats va kukunlar dori shaklida.



3-rasm. 2022-2024 yilda ro'yxatdan o'tgan gipotenziv dori vositalar tarkibidagi ta'sir etuvchi moddasini soni bo'yicha tahlili

Shunday qilib tabletkalar dori shakli 86%, eritma 10%, kapsula 2%, dorivor o'simlik xom ashyosi 1% va tomchi dori shakli 1% ni tashkil etishi aniqlandi (4-rasm). 2022 yilda Davlat Reestrda 83,9%, 2023 yilda 86%, 2024 yilda 86,7% tabletkali

dori shakllari qayd qilingan. Kapsulalar uchun 2,7%, 2,3% va 2,29% pozitsiyalarini ko'rsatdi. Yuqori ulush in'ektsiya uchun eritmalar bulib, ular 45%, 12,3%, 9,5% va 8,9% to'g'ri keldi.



4-rasm. 2022-2024 yillarda ro'yxatdan o'tgan gipotenziv dori vositalarni dori shakli bo'yicha tahlili

Dorivor o'simlik xom ashyosi uchun va 8,3% ni tashkil etdi. Keyingi pozitiv ma'lumotlar mos ravishda 1,8%, 0,7% siyamiz ko'z tomchilari bo'lib, ularning ko'rsatkichlari 0,4%, 0,4% va 0,5% tahlili shok dori vositalarining ulushi 7%, 5% o'rganildi.

2-jadval

2022-2024 yilda ro'yxatdan o'tgan antigipertenziv dori vositalarni yangilanish indeksi bo'yicha tahlili

Yillar	Davlatlar	Umumiy soni	Yangi preparatlar	Yangilanish indeksi
2022	Horijiy	259	253	0,98
	MDH	83	69	0,83
	Mahalliy	95	83	0,87
2023	Horijiy	257	86	0,33
	MDH	82	59	0,72
	Mahalliy	90	71	0,79
2024	Horijiy	229	128	0,56
	MDH	74	47	0,64
	Mahalliy	90	61	0,68

Liofilizat shakldagi dori vositalari 0,2%, 0,4% va 0,5% dori shakllarini tashkil etdi. Eng kichik ulush 0,22, 0,23% va 0,25% kukun dori shakllariga to'g'ri keldi.

Tahlil so'ngida gipotenziv dori vositalarni yangilanish indeksi bo'yicha tahlil qilindi. Bunda 2022 yilda mahalliy ishlab chiqaruvchilarimiz tomonidan

ishlab chiqarilgan dori vositalar 0,87 ga yangilangan bo'lsa, bu ko'rsatkich 2024 yilga kelib 0,68 ga yangilanganini ko'rishimiz mumkin (2-jadval). 2022 yilda eng katta ko'rsatkich Horijiy mamlakatlar tomonidan aniqlandi, eng kichik esa MDH mamlakatlar tomonidan tashkil etdi. 2023 yilda eng katta yangilanish indeksi ko'rsatkichi Mahalliy ishlab chiqaruvchilar

tomonidan belgilandi, eng kichigi esa Horijiy mamlakatlarni bo'ldi. 2024 yilda bu xolat takrorlandi va dori vositalarning asosiy qismi Mahaliy ishlab chiqaruvchilar tomonidan eng katta yangilanish indeksi 0,68 deb belgilandi.

Yuqorida ko'rsatilgan tadqiqotlar natijasidan ko'rinib turibdiki, O'zbekistonda barcha ro'yxatga olingan gipotenziv dori vositalarasosida olinayotgan yangi mahalliy preparatlarni yaratishga e'tibor qaratilish lozim.

Xulosalar: Olib borilgan tadqiqotlar natijasida gipotenziv dori vositalar guruhining dori vositalarni marketing tahlili o'tkazildi. O'zbekiston Respublikasi farmatsevtika bozorida taqdim etilgan, ya'ni O'zbekiston Respublikasida qo'llanilishiga ruhsat etilgan dori vositalari, tibbiy

buyumlar va tibbiy texnika Davlat reestri-ning 2021-2023 yillarda ro'yxatdan o'tgan antigipertenziv dori vositalarni umumiy dori vositalarining miqdori, XPN bo'yicha, ishlab chiqaruvchi davlatlar ulushi, dori shakli, tarkibida ta'sir etuvchi moddasi soni hamda yangilanish indeksi bo'yicha ma'lumotlar tahlil qilindi. Olingan natijalar farmatsevtika va tibbiyot tashkilotlarining gipotenziv dori vositalarni oqilona assortimentini shakllantirish uchun ishlatilishi mumkin. Tahlil shuni ko'rsatdiki, gipotenziv dori vositalarni kombinirlangan dori vositalari bozori mahalliy ishlab chiqarishni kengaytirishda ijobiy tendentsiyaga ega. Shu munosabat bilan, mahalliy ishlab chiqaruvchilari tomonidan gipotenziv dori vositalarni kengaytirish dolzarbdir.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Н.А.Аксёнов Антигипертензивные средства. Справочник международных и патентованных названий лекарств // Санкт-Петербург, СпецЛит. 2016 г.-С.122.

2. Р.К.Садикова, Ё.С.Кариева. Анализ ассортимента желчегонных лекарственных средств, зарегистрированных в Республике Узбекистан // Сборник статей по материалам XXIII международной научно-практической конференции «Инновационные подходы в современной науке».-Москва, июль 2020.-№13 (73).-С.107-112.

3. А.В.Мелехов Сочетание артериальной гипертензии и ишемической болезни сердца. Новые рекомендации американских экспертов и роль фиксированных комбинаций гипотензивных препаратов//Атмосфера. Новости кардиологии.-2015-№1.-С.-16.

4. Ю.А.Карпов., А.Т.Шубина.Возможности оптимизации гипотензивной терапии: хронотерапия ночной артериальной гипертензии //Атмосфера. Новости кардиологии.-2017.-№1.-С.18-23.

5. М.К.Усмонова., Ф.Х.Максудова, О.У.Каримов. Ўзбекистон Республикасида

руйхатга олинган ностероид яллиғланишга қарши воситаларнинг маркетинг таҳлили// Инфекция Иммунитет ва фармакология.-2022.-№4.- Б.237-243.

6. Иванова М. А., Иванова О.М. Значение жёсткости сосудов в патогенезе аритмий и гипертонической болезни//Экология человека.-2014.-№ 2. С.-3-11.

7. Садикова Г.Э., Ашуров А.А. Иммунитетга таъсир этувчи дори воситаларининг маркетинг таҳлили// Фармация, иммунитет ва вакцина.-2024.-№ 1. – Б.148-158.

8. Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри 2022-йил 26-сон.

9. Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри 2023-йил 27-сон.

10. Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри 2024-йил 28-сон.

МАРКЕТИНГОВЫЙ АНАЛИЗ ГИПОТЕНЗИВНЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Вахидова Н.М., Максудова Ф.Х., Сафарова Д.Т., Садикова Г.Э

Ташкентский фармацевтический институт, г. Ташкент, Республика Узбекистан
e-mail: firuza.maksudova@mail.ru

В данной работе представлен анализ рынка гипотензивных лекарственных средств, зарегистрированных в Государственном реестре лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к использованию в медицинской практике в Республике Узбекистан с 2021 по 2023 годы. Анализ лекарственных средств по странам показал, что лидирующие позиции заняли следующие страны производители: Индия, Узбекистан, Словения, Украина и Россия. Установлено, что за последние 3 года общее количество отечественных гипотензивных лекарственных средств, включен-

ных в Государственный реестр, снизилось с 95 до 90 и составило 94,7%. Анализ индекса обновления лекарственных средств отечественного производства показал, что он равен 0,83 в 2021 году и 0,72 в 2023 году, при этом установлено, что индекс обновления снизился также в странах дальнего зарубежья и СНГ. Анализ лекарственных форм выявил, что наибольшая доля гипотензивных лекарственных средств выпускается в форме таблеток, в среднем 86%.

Ключевые слова: маркетинговые исследования анализ ассортимента, Государственный реестр, коэффициент обновления, гипотензивные препараты.

MARKETING ANALYSIS OF HYPOTENSIVE MEDICINES REGISTERED IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Vakhidova N.M., Makhudova F.K., Safarova D.T., Sadikova G.E.

Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent city, Republic of Uzbekistan
e-mail: firuza.maksudova@mail.ru

This work provides an analysis of the market of hypotensive drugs registered in the State Register of drugs, medical devices and medical equipment approved for use in medical practice in the Republic of Uzbekistan from 2021 to 2023. The analysis of drugs by country showed that the leading positions were occupied by the following manufacturing countries: India, Uzbekistan, Slovenia, Ukraine and Russia. It was determined that in the last 3 years, the total number of domestic hypotensive drugs included in the State Register decreased to 90 from

95 and made up 94,7%. The analysis of the renewal index of domestically produced drugs showed that it was equal to 0,83 in 2021 and 0,72 in 2023, and it was found that the renewal index decreased in foreign and CIS countries as well.

The analysis of drug forms revealed that the largest share of hypotensive drugs is produced in the form of tablets, on average 86%.

Key words: marketing research, assortment analysis, State Register, renewal coefficient, antihypertensive drugs.

ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ЛЕКАРСТВЕННО-РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ ASTILBE CHINENSIS

**Жаббарова Шохиста Абдурахим қизи¹, Зупарова Зулфия Ахрор қизи²,
Исмоилова Гузалой Мухутдиновна¹, Мамаджанова Мунира Амановна²**

¹Ташкентский фармацевтический институт, г.Ташкент, Республика Узбекистан

²Ташкентская медицинская академия, г.Ташкент, Республика Узбекистан

Email:zazulfiya@gmail.com

Несмотря на значительный арсенал противовоспалительных средств, постоянный рост числа и разнообразия воспалительных заболеваний, требует разработки новых высокоэффективных средств на основе лекарственных растений. Для разработки технологии получения экстрактов из сырья астильбы китайской с противовоспалительным действием изучены технологические параметры сырья такие как: измельчённость, цвет, запах, массовая доля влаги, массовая доля водорастворимых экстрактивных веществ, содержание посторонних примесей, массовая доля общей золы, микробиологическая чистота.

Ключевые слова: лекарственное сырьё, астильба китайская, противовоспалительное действие, технологические параметры, технологические свойства.

Введение. Постоянный рост числа и разнообразия воспалительных заболеваний различной этиологии, требует разработки новых высокоэффективных противовоспалительных средств как синтетических, так и препаратов на основе лекарственных растений. В поиске новых лекарственных препаратов целебные растения остаются ценнейшим исходным материалом, так как лекарственные средства натурального происхождения имеют определенные преимущества, к числу которых относятся широкий спектр фармакологического действия, доступность в ценовом отношении и, что наиболее важно, отсутствие побочных эффектов [1].

В народной медицине астильба китайская часто используется как противовоспалительное средство. С лечебной целью пользуются всеми

вегетативными органами этого растения. Целебные свойства объясняются разнообразным содержанием биологически активных веществ таких как: астильбина, изокумаринов, флавоноидов, цианогенных соединений и фенолкарбоновых кислот. Отвары и настои используют при лечении различных заболеваний почек, а также при разнообразных травмах и послеоперационных болях, а также его применяют как противовоспалительное, противоревматическое средство. Тритерпеноидная фракция обладает иммуномодулирующими свойствами, а астильбовая кислота действует как противовоспалительное средство [2,3].

Цель работы. Изучение технологических свойств лекарственно растительного сырья астильбы китайской (*Astilbe chinense*).

Материалы и методы. Объектом исследования явилось сырьё астильбы китайской. При определении органолептических показателей сырья исследованы такие показатели как: внешний вид, цвет сырья, запах. Из технологических параметров: массовая доля влаги, массовая доля водорастворимых экстрактивных веществ, содержание посторонних примесей, массовая доля общей золы, микробиологическая чистота [2,3]. Идентификацию флавоноидов содержащихся в сырье астильбы китайской проводили методом обращено - фазной ВЭЖХ на приборе Agilent Technologies 1200 серии, укомплектованного автодозатором и диод матричным детектором. Колонка Zorbax Eclipse XDB-C18 (4,6x250 мм) с размером частиц 5 мкм, (Agilent Technologies Inc., USA), подвижная фаза фосфатный буфер: ацетонитрил разделение проводили в течение 0-5 мин элюент в соотношении 95:5; 6-12 мин в соотношении 70:30; 12-13 мин в соотношении 50:50;

13-15 мин в соотношении 95:5. Скорость потока 0,8 мл/мин, температура колонки комнатная (30°C), давление в стартовых условиях градиента от 90 до 120 бар, детектирование пиков проводили при УФ 254 и 272 нм. Объем инъекции на колонку - 10 µl.

Экспериментальная часть. При определении органолептических показателей сырья состояло из кусков корней, корневищ, стеблей, листьев, цветков, проходящих сквозь сито с отверстием диаметра 2-4 мм. Цвет сырья зелёный с желтоватыми, розовыми вкраплениями. Имеющий своеобразный запах со слегка горьковато-кисловатым вкусом.

При исследовании технологических параметров лекарственного растительного сырья изучались удельная масса, объемная масса, насыпная масса, пористость, порозность свободный объем слоя сырья. Результаты исследования представлены в таблице 1.

Таблица 1

Результаты определения технологических параметров лекарственного растительного сырья *Astilbe chinensis* противовоспалительного действия

№	Технологический параметр	Лекарственное растительное сырьё
1	Удельная масса, г/см ³	2,11±0,13
2	Объемная масса, г/см ³	0.87±0.08
3	Насыпная масса, г/см ³	0,53±0,06
4	Пористость, г/см ³	0,66±0,07
5	Порозность, г/см ³	0,47±0,04
6	Свободный объем слоя сырья, г/см ³	0,84±0,05

При исследовании технологических свойств лекарственного растительного сырья изучались поверхность чаинок, настой, массовая доля влаги, массовая доля водорастворимых экстрактивных веществ, массовая доля металломаг-

нитной примеси, содержание посторонних примесей массовая доля общей золы и микробиологическая чистота. Результаты исследования представлены в таблице 2.

Таблица 2

Результаты определения технологических свойств лекарственного растительного сырья *Astilbe chinensis* противовоспалительного действия

Наименование показателей	Нормы
Поверхность чаинок	Сухая, не липкая
Настой	Яркий, прозрачный, буровато коричне- вый
Массовая доля влаги, % не более	14
Массовая доля водорастворимых экс- трактивных веществ, % не менее	16
Массовая доля металломагнитной при- меси, g, не более	0,0005
Содержание посторонних примесей	Не допускается
Массовая доля общей золы, % не более для фиточая	10
По микробиологическим требованиям безопасности	Не должен превышать значений, указан- ных в ТР ТС021/2011






Определение массовой доли влаги в процентах составило не более 14%, при определении экстрактивных веществ при использовании в качестве экстрагента очищенную воду массовая доля водорастворимых экстрактивных веществ составило 18 %, посторонних примесей и частей вегетативных органов других растений не оказалось, общая зола составила 10%, при определении микробиологической чистоты в стерильных боксах при температуре 20°C при влажности 54% не превышало значений, указанных в ТР ТС021/2011.

Для определения содержания флавоноидов сырье астильбы китайской около 5-10 г (точная навеска) взвесили на аналитических весах и поместили в коническую колбу объёмом 300 мл для получения экстракта добавили 50 мл 70% этилового спирта и присоединили к обратному холодильнику и в течение 1 часа кипятили при 70-80°C интенсивно перемешивая на магнитной мешал-

ке. В течение 2 часов смесь оставили при комнатной температуре и отстоявшуюся смесь отфильтровали. Для полного выделения из сырья флавоноидов экстракцию проводили ещё 2 раза экстрагируя 25 мл 70% этилового спирта. Полученные экстракты отфильтровали, объединили, поместили в мерную колбу вместимостью 100 мл и довели до метки 70% этиловым спиртом. Полученный раствор центрифугировали в течение 20-30 мин со скоростью 6000-8000 оборотов в минуту. Для идентификации и количественного определения флавоноидов отобрали верхнюю часть раствора. При определении флавоноидов методом ВЭЖХ обычно в качестве элюента пользуются системой фосфорно- ацетатного буфера, мы использовали систему фосфатного буфера и ацетонитрила. Данные количественного определения флавоноидов астильбы китайской определённые методом ВЭЖХ приведены в таблице 3.

Таблица 3

**Результаты количественного определения флавоноидов в сырье
сырья *Astilbe chinensis***

Флавоноиды	Вытяжка из сырья
	Концентрация мг/гр
Дигидрокверцитин 	2.36
Рутин 	1.12
Розавин 	1.61
Кверцитин 	0.12
Салидрозид 	3.95

Выводы. Таким образом для получения экстрактов из сырья астильбы китайской с противовоспалительным действием изучены технологические параметры сырья такие как органолептические- внешний вид, измельченность, цвет, запах, массовая доля влаги, массовая доля водорастворимых экстрактивных веществ, содержание посторонних примесей, массовая доля

общей золы, микробиологическая чистота которая соответствовала значениям указанным в ТР ТС021/2011, из биологически активных веществ в сырье определены флавоноиды.

Литература

1. Сухенко, Л.Т. Биологически активные вещества некоторых растений и механизмы их противомикробной ак-

тивности / Л.Т. Сухенко // Естественные науки. 2010. № 3 (32). С. 166-176.

2. Миронов А.Н. Современные подходы к вопросу стандартизации лекарственного растительного сырья / А.Н. Миронов, И.В. Сакаева, Е.И. Саканян и др. // Ведомости НЦЭСМП. 2013. № 2. С. 52-56.

3. Чехани Н.Р., Павлова Л.А., Павлов В.М. Разработка технологии получения сухого экстракта из сбора растительного сырья методом водной экстракции // Современные проблемы науки и образования. 2014. № 5. С. 32-36.

ХИТОЙ АСТИЛБАСИ ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИННИНГ ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Жаббарова Ш.А.¹, Зупарова З.А.², Исмоилова Г.М.¹, Мамаджанова М.А.²

¹Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

²Тошкент тиббиёт академияси Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Яллиғланишга қарши дориларнинг ассортиментининг катталигига қарамай, яллиғланиш касалликлари сони ва хилма-хиллигининг доимий ўсиши доривор ўсимликлар асосида янги юқори самарали дори-дармонларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Хитой астилбаси хомашёсидан яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган экстракт олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун,

хомашёнинг қуйидаги технологик ҳосиллари: майдалилик даражаси, ранги, ҳиди, намлиги, сувда эрувчан экстрактив моддалар миқдори, ёт моддалар миқдори, умумий кули ва микробиологик тозаллиги ўрганилди.

Калит сўзлар: доривор хомашё, Хитой астилбаси, яллиғланишга қарши таъсир, технологик параметрлар, технологик хусусиятлар.

TECHNOLOGICAL PROPERTIES OF MEDICINAL PLANT RAW MATERIALS ASTILBE CHINENSIS

Zhabbarova Sh.A.¹, Zuparova Z.A.², Ismoilova G.M.¹, Mamajanova M.A.²

¹Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent, Republic of Uzbekistan

²Tashkent Medical Academy, Tashkent, Republic of Uzbekistan

Despite the significant arsenal of anti-inflammatory drugs, the constant increase in the number and variety of inflammatory diseases requires the development of new highly effective drugs based on medicinal plants. To develop a technology for obtaining extracts from Chinese astilba raw materials with an anti-inflammatory effect, technological parameters of raw materials

such as: grinding, color, odor, mass fraction of moisture, mass fraction of water-soluble extractives, the content of foreign impurities, mass fraction of total ash, microbiological purity were studied.

Keywords: medicinal raw materials, Chinese astilba, anti-inflammatory effect, technological parameters, technological properties.

УДК: 615.014.21

«ЭНФОРМИН» ТАБЛЕТКАЛАРИНИНГ «ЭРУВЧАНЛИК ТЕСТИ» НИ ЎРГАНИШ

**Илхамова Наргиза Бахтияровна, Ташматова Мадина Анваровна,
Юнусова Холида Манноновна**

*Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., ЎзР
e-mail: madinamalikova23@gmail.com*

Ушбу мақолада тавсия этилаётган «Энформин» таблеткаларининг «Эрувчанлик тести» ни ўрганиш борасидаги тадқиқот натижалари келтирилди. Тавсия этилаётган таблеткалар таркибидаги биофаол модданинг ажралиб чиқишига эритувчи муҳит ҳамда кажаванинг айланиш тезлигини таъсири ўрганилди.

Таянч иборалар: таблетка, «эрувчанлик тести», биофаол модда, эритувчи муҳит, кажави.

Кириш. Бугунги кун фармациясининг муаммоларидан бири маҳаллий хом ашёлар асосида янги биофаоллиги юқори дори препаратлари яратиш бўлса, иккинчиси бор дори турларининг биосамарадорлигини оширишдан иборатдир. Дори воситаларининг терапевтик самарасини баҳолайдиган биофармацевтик тадқиқотлардан бири унинг биологик самарадорлигидир [1,2,8,10].

«Эрувчанлик тести» дори препаратининг биологик фаоллигини аниқлашда асосий тавсифловчи тадқиқотлардан бири эканлиги амалда исботланган, чунки унинг *in vivo* тажрибалари билан таққосланиш корреляцияси доимо уларнинг бир бирини ўрнини босишини таъминлайди. Дори воситаларининг терапевтик самарасини баҳолайдиган биофармацевтик тадқиқотлардан бири унинг биологик самарадорлигидир. Дори воситаларининг биофармацевтик хоссаларининг *in vitro* тажрибаларида баҳолашнинг асосий усулларида бири, ЎзР ДФ га киритилган «Айланма кажави» усули ҳисобланади [1,3,5,9].

Адабиётлардан маълумки, таъсир этувчи модда ажралиб чиқиш тезлигига турли омиллар ўз таъсирини кўрсатади, булардан қўлланилган ёрдамчи моддалар, эритувчи муҳит ҳажми ва рН муҳити, кажави айланиш тезлиги [1,4,7,10].

Ушбу ишнинг **мақсади** «Энформин» таблеткаларининг биофаол моддаси – метформин гидрохлориднинг биосамарадорлигини аниқлаш тестини шароитини ишлаб чиқиш деб белгиланди.

Материал ва усуллар. Тадқиқот объекти қилиб тавсия этилаётган таркиб ва технологияда олинган «Энформин» таблеткалари олинди. Биофармацевтик хоссалар Ўзбекистон Республикаси Давлат Фармакопеясида келтирилган усулда амалга оширилди.

Натижалар ва муҳокамалар. Дастлабки тадқиқотлар тавсия этилаётган «Энформин» таблеткалари таркибидан биофаол модданинг ажралиб чиқишига эритувчи муҳитнинг таъсирини ўрганиш билан бошланди.

Эритувчи муҳитининг мўътадил рН кўрсаткичини танлаш учун тадқиқот-


ларда турли рН кўрсаткичга эга эритувчи муҳитлар қўлланилди.

Тажрибаларда эритувчи муҳит ҳаҷми -1000 мл. ҳарорат- $37 \pm 1^\circ\text{C}$ ни таъкил этди.

Эритувчи муҳит сифатида 3 хил шароитли эритувчилардан фойдаланилди: нейтраль муҳит -тозаланган сув, кислотали муҳит - 0,1 моль/л водород хлорид кислотаси ва ишқорий муҳит - 0,1 моль/л натрий гидроксид эритмасидан фойдаланилди.

1-расмда эритувчи муҳитнинг таъсия этилаётган таблеткаларнинг эришига кўрсатган таъсири ўрганилгани натижалари келтирилди.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, «Энформин» таблеткалари таркибидан метформин гидрохлоридининг ажралиб чиқиши 45 дақиқа давомида нейтрал муҳитга 87,5%, кислотали муҳитга 59,8% ҳамда ишқорий муҳитда эса 45 дақиқада 49,5% кўрсаткичларни намоён қилган.



1-расм. Эритувчи муҳитнинг «Энформин» таблеткалари эрувчанлигига таъсири

1. Нейтраль муҳит (тозаланган сув)
2. Кислотали муҳит (0,1 н HCl эритмаси)
3. Ишқорий муҳит (0,1 н NaOH эритмаси)

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб таблеткалари учун эритувчи муҳит сифатида нейтрал муҳит - сув эканлиги белгилаб олинди ва меъёрий ҳужжатлар таркибига киритилди.

Кейинги босқич тадқиқотлар «Энформин» таблеткаларидан фаол модданинг эритувчи муҳитга ажралиб чиқишига «Айланма кажава»нинг айланиш тезлигини таъсирини ўрганиш билан давом эттирилди.

«Эрувчанлик тести» ни ишлаб чиқишда кажаванинг мўътадил айла-

ниш тезлигини танлаш борасидаги тадқиқотлар кажаванинг айланишлар сони 250, 200, 100, 50 ай/дақ. тезликларда олиб борилди.


Олинган натижалар 2-расмда келтирилди.

2-расмда келтирилган маълумотларга кўра, кажаванинг айланиш тезлиги ошиб бориши билан, асосий таъсир этувчи моддаларнинг эритмага ажралиб чиқиши ҳам ортиб боради. Олинган натижаларга қараганда, кажаванинг айланиш тезлиги дақиқаси-

га 50 ай/дақ бўлганда, 15, 30, 45 дақиқа давомида «Энформин» таблеткалари таркибидан метформин гидрохлоридининг ажралиб чиқиш тезлиги мос равишда 18,9%, 37,8%, 55,9% фоизни ташкил этди. Кажава айланиш тезлиги 100 ай/дақ. бўлганда эса ушбу ҳолат қуйидагича кузатилди: кўрсаткичлар мос ра-

вишда 39,7%, 58,7%, 89,2% ташкил этди.

Кейинги тезликларда эса бу кўрсаткичлар катталашиб боргани аниқланди. Кейинги тезликлардаги кажаванинг айланиш тезлиги талабга жавоб берсада иқтисодий жиҳатдан кераксиз энергияни тежаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.



2 -расм. «Энформин» таблеткаларидан биофаол модданинг ажралиб чиқиш тезлигига кажава айланиш тезлигининг таъсири

- 1-кажава айланиш тезлиги 50 ай/дақ.
- 2- кажава айланиш тезлиги 100 ай/дақ.
- 3- кажава айланиш тезлиги 150 ай/дақ.
- 4- кажава айланиш тезлиги 200 ай/дақ.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, «Айланма кажава»нинг 100 ай/дақ.даги кўрсаткичлари ЎзР ДФ талабларига жавоб бераётганини эътиборга олиб шу тезликни муайян деб белгилаб, кейинги тадқиқотлар учун танлаб олдик.

Хулоса. Шундай қилиб, юқоридаги тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб «Эрувчанлик тести» яратилди. Тайёр маҳсулот сифатини биофармацевтик нуқтаи назардан баҳолаш учун кажава айланиш тезлиги 100 ай/дақ. таклиф этилди. Эритувчи муҳит 1000 мл бўлиб, нейтраль муҳит танлаб олинди.

Адабиётлар:

1. Abdijalilova Z.Kh., Yunusova Kh.M. Study of influence of technological factors on indicators of quality of tablets of secrolitic action // World journal of pharmacy and pharmaceutical sciences.-2020.-Vol.-9. Issue 1,-P.373-380. (RG=0,13; SJIF Impact Factor 7.632).
2. М.М. Васенда, Н.М. Белей, М.Б. Демчук, В.Тригубчак, М.Б. С.М. Гуреева, А.Мельник, В.Я. Шалата, Т.А. Денежный //Современное состояние создания, производства и исследования таблетированных лекарственных препаратов// Фармацевтический журнал. - 2009. - № 4 (9). - С. 77-80.
3. Yunusova Kh.M., Jaloliddinova M.Sh. Studying pharmacotechnological aspects and

stability of "Ortof-S" tablets // World journal of pharmacy and pharmaceutical sciences.- 2019.-Vol.-8.-Issue 1.-P. 277-288.

4. N.B.Ilkhamova, Z.A. Nazarova. Kh.M Yunusova //Studying the effect of a relative humidity and compaction pressure on the quality of tablets and pressed mass// World Journal of Pharmacy and Pharmaceutical Sciences.- 2019.-Vol.- 8.-Issue 6.-P. 35-40.

5. Юнусова Х.М, Абдижалилова З.Х., Илхамова Н.Б., Биофармацевтическое и фармакологическое исследование свойств таблеток "Амброк" методами in vitro и in vivo // Инфекция, иммунитет и фармакология.-Тошкент-2020.- №3.-Б.208-214

6. N.N.Sherkhadjayeva, Kh.M Yunusova, N.B.Ilkhamova.//On the of choosing the composition of soluble tablets with licorice extract.// World Journal of Pharmacy and Pharmaceutical Sciences.- 2019.-Vol.- 8.-Issue 6.-P. 41-47.

7. Юнусова Х.М., Жалолиддинова М.Ш. «Ортоф-С» таблеткаларини яратиш борасидаги тадқиқотлар // Фармацевтика журнали.-Тошкент.-2018.- №2.- Б.75-79.

8. Аллаева М.Ж., Юнусова М.С., Юнусова Х.М., Жалолиддинова М.Ш. Исследование биоэквивалентности и биодоступности таблеток на основе диклофенака натрия с ИПН //Ўзбекистон фармацевтик хабарномаси.-Тошкент.-2019.-№4.-Б.90-94.

9. Yunusova Kh.M., Jaloliddinova M.Sh. Studying pharmacotechnological aspects and stability of "Ortof-S" tablets // World journal of pharmacy and pharmaceutical sciences.- 2019.-Vol.-8.-Issue 1.-P. 277-288.

10. Наркевич И. А. и др. Фармацевтическая разработка лекарственных препаратов для педиатрической практики: фундаментальные основы и специфические особенности // Разработка и регистрация лекарственных средств. - 2016. - № 3. - С. 194-201.

ИЗУЧЕНИЕ «ТЕСТА РАСТВОРИМОСТИ» ТАБЛЕТОК «ЭНФОРМИН»

Илхамова Н.Б., Ташматова М.А., Юнусова Х.М.

*Ташкентский фармацевтический институт, г. Ташкент, Республика Узбекистан
e-mail: madinamalikova23@gmail.com*

В данной статье представлены результаты исследования «Теста на растворимость» рекомендованных таблеток «Энформин». Изучено влияние растворяющей среды и скорости вращения корзинки на высвобождение биоактивного вещества, содержащегося в рекомендуемых таблетках.

Ключевые слова: таблетка, «тест растворимости», биоактивное вещество, растворяющая среда, корзинка.

THE STUDY OF THE "SOLUBILITY TEST" OF TABLETS "ENFORMIN"

Ilkhamova N.B., Tashmatova M.A., Yunusova H.M.

*Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent, Republic of Uzbekistan
e-mail: madinamalikova23@gmail.com*

This article presents the results of the study of the "Solubility Test" of the recommended tablets "Enformin". The effect of the solvent medium and the rotation speed of the basket on the release of the bioactive substance contained in the recommended tablets has been studied.

Keywords: tablet, "solubility test", bioactive substance, solvent medium, basket.

УДК. 615.244

**“STIGMACHOL-ZEA” СУБСТАНЦИЯСИНИНГ ХОЛЕРЕТИК,
ХОЛЕКИНЕТИК ҲАМДА СПАЗМОЛИТИК ТАЪСИРЛАРИНИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
ШАРОИТДА ЎРГАНИШ**

**Маматқулов Зухриддин Урманович, Ризаев Камал Саидакбарович,
Султонова Раъно Ҳакимовна, Ражапов Алишер Жумабаевич**

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., УзР

e-mail: mzu_77@mail.ru

Мазкур мақолада маккажўхори оналик гулининг устунчаси билан оғизчаси, оддий бўмадарон ўти, итбурун наъматак мевалари, майда гулли тоғрайхон ўти ўсимликлари сақлаган “STIGMACHOL-ZEA” йиғмасиасосида олинган қуруқ экстрактнинг ўт ҳайдовчи, яллиғланишга қарши (гистамин ва формалинли яллиғланиш модели) ҳамда спазмолитик таъсирини экспериментал шароитдаги таҳлили ва олинган натижалари ҳамда хулосалари келтирилган.

Калит сўзлар: “STIGMACHOL-ZEA” субстанцияси, холеретик, холекинетик, холестаз, токсик.

Ишнинг долзарблиги. Ҳозирги вақтга келиб ер юзида 3 миллиардга яқин одамлар турли сабабларга кўра жигар касалликлари билан касалланиши кузатилади. Шунингдек, ҳар йили 2-3 миллионга яқин жигар касалликлари билан касалланган беморлар учрайди. Бу эса жигар касалликларида ишлатиладиган безарар, ишончли ва самарали таъсирга эга дори воситаларига бўлган талаб ортганлигини билдиради [1,7 2].

Ҳозирги пайтда ўт сафро ажралишини бузилишида сафро миқдорининг камлиги ёки ажралишини бузилишида ўт тош касаллиги юзага келиши кузатилади. Бу эса ўт йўлларида ўтишини кийинлаштириб ўтни орқага қайтиши ва жигарга токсик таъсирни юзага келтиришига сабаб бўлади. Ўт пуфагининг оралиғида ўт суюқликни ажралиши қийинлашиши туфайли ўт димланиши (холестаз) кузатилади. Бу айниқса

ўт пуфак ичидаги ўт гипертензияси-ўт суюқлигидаги босимнинг кўтарилиши билан бирга келса кўпроқ намоён этади. Бу микрошикастланишлар пайдо бўлишига, тўқималарнинг қон билан таъминланиши ёмонлашишига, ўт суюқлигининг таркиби ва тўйинганлигининг ўзгаришига олиб келади [3,4,5].

Холестаз хасталигида ўт димланишига бир қанча сабаблар мавжуд – генетик мойиллик, жигарнинг вирусли ва бактериал касалликлари, алкоголь таъсирида, дори воситалардан захарланиш ҳолатларида, моддалар алмашинуви бузилиши сабабли (айниқса хомилдорлик вақтида кузатилиши мумкин).

Ҳозирги пайтда ўт димланишига қарши ва ўтни суюлтирувчи дори воситаларга бўлган талаб ортиб бормоқда [7].

Умуман адабиётларда келтирилишича, ҳозирги вақтда ўт ҳайдовчи

воситалар таъсир механизмига кўра холеретиклар ва холекинетикларга бўлинади:

1. Холеретиклар булар ўт ва ўт кислоталарнинг ҳосил бўлишини тезлаштирувчи воситалар бўлса;

2. Холекинетиклар ўт йўлларида ўтнинг пуфаги ва ўн икки бармоқли ичакга ўтказишини таъминловчи дори воситалар ҳисобланади.

Холеретиклар (холесекретиклар) кўпинча сурункали жигар ва ўт йўллари яллиғланишларида қўлланилади. Ҳозирги пайтда ўт кислота сақловчи холеретикларлардан фойдаланиб келинади: аллохол, холасас, хофитол, холензим. Холеретикларнинг таъсир механизмларидан бири ичакнинг шиллиқ қаватларига таъсири ҳисобига ўт ажралишини ошириши ҳисобланади бу эса, айниқса, ўт ажралишида холатларни миқдорини ошириб, қон билан ўтнинг осмотик босимини ошириши ҳисобига сув ва электролитларни филтрациясини оширади. Шунингдек, холестеринни чўкишини камайтириши ҳисобига ўт тошларини ҳосил бўлишини олдини олади.

Холекинетикларга- магний сульфат, сорбит, маннит мисол бўлади. Улар ўт пуфагини қисқариши туфайли ўтнинг йўлларида ўтишини тезлаштириши ҳамда ўт йўллари ва Одди сфинктерини силлиқ мушакларини сусайтириши ҳисобига самара кўрсатади [5,7].

